

## Мактабгача ёши ўқувчиларида шахсий сифатларни шакллантиришнинг психологик жиҳатлари

Дилноза Муртазоевна Қодирова  
Бухоро давлат университети

**Аннотация:** Ушбу мақолада кичик мактаб ёши ўқувчиларида ахлоқий-маданий сифатларни шакллантириш ва бу орқали уларнинг билим даражасини такомиллаштиришнинг психологик аспекти ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** ахлоқ, маданий сифатлар, маънавият, эътиқод, ҳуқ, мотив, индивидуал тузилиш, билиш жараёнлари, ирода, конструктив ҳуқ-атвор.

## Psychological aspects of formation of personal attitudes in preschool students

Dilnoza Murtazoyevna Qodirova  
Bukhara State University

**Abstract:** In this article, we will talk about the psychological aspects of the formation of moral and cultural qualities in junior school age students and through this, the improvement of their level of knowledge.

**Keywords:** morality, cultural attributes, spirituality, behavior, motivation, individual structure, cognition processes, will, constructive behavior.

*Мавзунинг долзарблиги.* Шахсининг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришга қўйиладиган ҳозирги замон талабларини амалга ошириш муаммолари динамик характерга эга бўлиб, ижтимоий тузум тараққиёти билан боғлиқдир. Бу муаммони фалсафа, этнография, этика, эстетика фанлари тадқиқ этади.

Маданият шахс камолотига моддий (техника, ишлаб чиқариш тажрибаси, моддий бойликлар) ва маънавий (фан, адабиёт, санъат, маориф, дин, умуминсоний ва миллий маънавий-руҳий қадриятлар) жиҳатдан таъсир этади. Моддий ва маънавий маданиятни унинг маънавий маданияти таъсирисиз, инсон онги ва фаолиятидан ташқари яратилмайди.

Моддий ва маънавий маданиятнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири натижасида ақлан етук, ахлоқан яхлит шаклланган шахс таркиб топади. Инсон бирор моддий бойлик яратар экан, аввало, унинг қурилиши, ишлаб чиқариш

жараёни ва таълим-тарбиявий натижасини ўз онгида тасаввур этади, амалий аҳамиятини олдиндан кўра билади.

Шахс ташқи олам, воқеа ва ҳодисаларни ақл, идрок руҳий ҳолат, ички кайфиятлар орқали қабул қилиб олиши жараёнида маънавий маданият ташкил топади. Юксак маънавий маданиятли инсонда ватанга муҳаббат, самимий дўстлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, мустаҳкам эътиқод, иймон, нафосат, ахлоқий маданият сингари фазилатлар мужассамлашади. Унинг сифат даражаси кишиларнинг умуминсоний ва миллий кадриятларга халқнинг маънавий меросига бўлган муносабатларида намоён бўлади. Маънавий-ахлоқий маданиятнинг негизи ҳисобланган умуминсоний ва миллий кадриятлар шахснинг ижтимоий тузумига муносабати, турли маърифий-маданий ғоялар, тушунчалар, қарашлар, тасаввурлар тизимининг маҳсулидир. Маънавий-ахлоқий маданиятнинг моҳиятини намоён этувчи объект шахс ҳисобланади. Шахс сифатида шаклланадиган ўқувчининг маънавий камолотида ахлоқий маданиятнинг аҳамияти бениҳоя катта.

Бугунги ёшларда замонамизнинг энг машҳур (ижобий маънода) кишиларига ўхшашлик хоҳишини туғдирадиган ижобий намунанинг тарбиявий кучи ўқувчиларнинг (болаларнинг) тақлид қилишга мойиллигига асослангандир. Ёшлар, кўпинча, ота-оналарига, маълум бир ижобий ютуқларга эришган қариндошларига, ўқитувчиларига ва машҳур қаҳрамонларга тақлид қиладилар. Турли ёшдаги болаларга тақлид қилишга мойиллик турлича бўлади. Масалан, кичик ёшдаги болалар ижобий намунага ҳам, салбий намунага ҳам бабаравар тақлид қилаверади. Бунинг сабаби уларнинг турмуш тажрибасининг жуда камлиги, ирода кучининг ниҳоятда заифлиги, ҳиссиётларининг ақлидрокидан устун туришидандир. Уларда таҳлил қилиш ва ҳаракатларга танқидий кўз билан қараб баҳо бериш хислатлари ҳали шаклланмаган бўлади. Болалар улғайиб борган сари ўз теварак-атрофидаги катта ёшдаги кишиларнинг ҳатти - ҳаракатларига тобора танқидий назар билан қарайдиган бўядилар. Шу ёшдаги болалар ўз нуқтаи назарларидан тақлид қилишга арзигулик деб билган кишиларнигина ўзлари учун намуна деб биладилар ва уларга эътиқод кўядилар.

Ўқувчиларда таркиб топтириладиган маънавий-ахлоқий сифатлар ахлоқий онг билан ҳатти - ҳаракат ўртасида бирлик бўйинини тақозо қилади. Бунинг маъноси шуки, ҳаққонийлиги ўқувчиларга кунмакун уқтириб борилган ахлоқий-маънавий тушунчалар уларнинг ҳатти - ҳаракатларида ҳам, улар қатнашган жамоадаги ўзаро муносабатларда ҳам қарор топмоғи лозим. Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тушунчалари фақат дарс жараёнидагина эмас, балки кундалик турмушда ҳам синовлардан ўтиб шакллана боради. Шунинг учун таълим-тарбия жараёнида шундай шароит яратмоқ керакки, ўқувчилар сабот-матонат, кунт, ташаббускорлик, чидам кўрсата оладиган, қиладиган ишларнинг жамият ва

ватан учун зарурлигини қалбдан тушунадиган бўсинлар. Ўқувчиларга бериладиган билимлар мажмуи, шубҳасиз, жуда катта тарбиявий кучга эгадир. Ўқувчиларда чинакам илмий дунёқараш асосларини яратишда, тўғри ҳукм юритиш қобилиятини тарбиялашда маънавий-ахлоқий сифатларга таяниб иш кўрилади.

Жамиятда юз бераётган жиддий ва чуқур ўзгаришлар ўқувчилар шахсиятида ҳам акс этади. Энди унинг эҳтиёжлари билим олиш билангина чекланмайди. Турли ахборот тизимлари, жумладан, интернетнинг шиддат билан ривожланиши бошқа манбалардан кўплаб ахборотларни олиш имконини бермоқда. Бу манбалардан олинаётган ахборотлар ҳар доим ҳам ўқувчи маънавиятига ижобий таъсир қилавермайди. Улар орасида ёшлар маънавиятига салбий таъсир ўтказадиган, бузғунчи ва вайронкор ғояларни ташувчилари ҳам анчагина. Шунини ҳисобга олинса, ўқувчини маънавий жиҳатдан юксалтириш энг муҳим вазифалардан бирига айланаётгани аён бўлади. Баён қилинган мана шу ҳолатлар ўқувчининг маънавий-ахлоқий ривожланишига қаратилган дастур ишлаб чиқиш заруратини тўғдиради. Мазкур дастурни ишлаб чиқиш ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан такомиллаштиришни ўқув жараёнининг мақсад ва воситаларини ўқувчи ва ўқитувчиларнинг онгини ўзгартирмай туриб амалга ошириш мумкин эмас, деган фикрга асосланади.

Дастур ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ўсиши учун энг самарали усулларни, восита, мақсад ва вазифаларни босқичма-босқич англаш ва амалга оширишга асосланган. Дастурнинг мақсади ўқувчиларда ҳар қандай ижтимоий вазиятни таҳлил қилиш, маънавий-ахлоқий кадриятлар асосида қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, ўзи қабул қилган қарор асосида ўзини намоён қилиш қобилиятини такомиллаштиришдан иборат.

Мазкур дастурнинг дастлабки босқичида ўқувчилардаги маънавий-ахлоқий кадриятлар тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун максимал даражада кўмаклашадиган шароит яратиш зарур. Ўсмирлик даврида когнитив жараёнлар, энг аввало, тафаккурнинг шаклланиши яқунланади. Шу даврда тафаккур нутқ билан узил-кесил бирикади, бунинг натижасида тафаккур ва бошқа билиш жараёнларини ташкил қилишда асосий восита бўлган ички нутқ шаклланиши яқунланади. Шу жараёнда тўлақонли назарий тафаккур шаклланади. Шу билан бирга шахс илмий дунёқарашининг асоси бўлган илмий тушунчаларнинг шаклланиши фаол давом этади. Шу даврда мулоҳаза мантиқиға асосланган тушунчалар билан қилинадиган операциялар ва аклий ҳаракатлар шакллари узил-кесил тугалланади. Бу жараёнларнинг барчасини уч йўналиш бўйича тезлатиш мумкин: тафаккурнинг тушунчалар таркиби, нутқ интеллекти ва ҳаракатнинг ички режаси. Шунинг учун ҳам маънавий-ахлоқий кадриятлар ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш ва кенгайтириш бўйича вазифалар нутқ

интеллекти, ҳаракатнинг ички режаси ва тушунчалар аппаратини ривожлантиришга қаратилган.

*Хулоса.* Бир сўз билан айтганда, маънавият тарбияси баркамол шахсни тарбиялашдаги асосий омиллардан бири бўлиб, шахсни ҳар томонлама гармоник тарбиялашга замин яратади. Бироқ, инсонни камолга етказишда ҳар бир шахсга ўзига хос муносабатда бўлиш таълим-тарбиянинг асосий тамойиллари эканлигини унутмаслигимиз лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Qodirova, D. M. (2021). YOSH OILALARDA OILAVIY MUNOSABATNING SHAKLLANISHINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. *Oriental Art and Culture*, (8), 179-183.

2. Izatovna, T. S., & Murtazoyevna, Q. D. (2022). MAKTAB YOSHIDAGI EGIZAKLARNING O'QISHDAGI MUAMMOLARNI KORREKTSIYALASH YO'LLARI. TA'LMIM VA RIVOJLANISH TA'HLILI ONLAIN ILMIIY JURNALI, 2(3), 220-223.

3. Murtazoyevna, Q. D. (2022). ONLAYN TA'LIMNING YOSHLAR HAYOTIDAGI PSIXOLOGIK ANAMIYATI. TA'LMIM VA RIVOJLANISH TA'HLILI ONLAIN ILMIIY JURNALI, 2(3), 168-172.

4. Murtazoevna, K. D. (2022). PSYCHOCORRECTIONAL METHODS OF FORMING RELATIONSHIPS WITH CONFLICT ADOLESCENTS IN THE WORK OF SCHOOL PSYCHOLOGISTS. *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*, 3(03), 23-28.

5. Қодирова, Д. М. (2022). Мактабгача ёши ўқувчиларида шахсий сифатларни шакллантиришнинг ўзига хос психологик жиҳатлари. *Science and Education*, 3(4), 1431-1436.

6. Қодирова, Д. М. (2022). Мактабгача ёши ўқувчиларида шахсий сифатларни шакллантиришнинг ўзига хос психологик жиҳатлари. *Science and Education*, 3(4), 1431-1436.

7. Кулиев, Ё. К. (2022). Социально-психологические особенности юношеского возраста. *Science and Education*, 3(4), 1392-1397.

8. Жумаев, Н. З. (2022). Психологические механизмы предупреждения формирования мотивации агрессивного поведения у педагогов. *Science and Education*, 3(4), 1517-1523.

9. Mansurovich, S. S. (2022). METHODOLOGY OF ORGANIZING PHYSICAL EDUCATION LESSONS THROUGH DIGITAL TECHNOLOGIES. *EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE*, 2(4), 107-111.

10. Усманова, М. Н., Останов, Ш. Ш., & Бафаев, М. М. (2013). К вопросу о зарождении этнопсихологии. РЕМ: Psychology. Educology. Medicine, (1-1), 68-72.
11. G'aybulloyev, A. A. (2022). Sportchilarda irodaviy sifatlarni shakllanishining psixologik mexanizmalari. Science and Education, 3(4), 832-837.
12. Ҳакимова, Ф. Х. (2022). Повышение благосостояния семьи как фактор развития экономического воспитания. Science and Education, 3(4), 1710-1715.
13. Sobirov, A. (2021). СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ФОРМИРОВАНИЯ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ЗАЩИТЫ У СПОРТСМЕНОВ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 3(3).
14. Roziyev, U. (2021). СОЦИАЛЬНАЯ ФОБИЯ-И ЕГО ВЛИЯНИЯ НА ПОВЕДЕНИЕ ЧЕЛОВЕКА. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 22(22).
15. Касимова, С. Б. (2022). Развитие персональной компетентности руководителя в управлении дошкольным образовательным учреждением. Science and Education, 3(4), 1379-1383.
16. Аллаярова, С. Н., & Сайитова, У. Х. Қ. (2021). МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ: МАЗМУНИ, ИМКОНИЯТЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ. Academic research in educational sciences, 2(1).
17. Ахмадов, Н. Р. (2022). Психологические механизмы реабилитации процесса дезадаптации у подростков. Science and Education, 3(4), 1271-1277.
18. Axmadov, N. R., & Roziqova, M. F. (2022). Oilaviy ajrimlar ularning sabablari, ajrimlarning oldini olishning psixologik mexanimzlari. Science and Education, 3(4), 760-764.
19. Ахмадов, Н. Р. (2020). Роль психологического здоровья студентов в учебный процесс. Психология XXI столетия. In Сб. научных статей по материалам международной конференции) (pp. 127-131).
20. Rahmat o'g'li, A. N., & Oybek o'g'li, D. S. (2020). Preventing the formation of suicidal risk in adolescents under the influence of interpersonal relationships. INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL "INNOVATION TECHNICAL AND TECHNOLOGY", 1(2), 37-41.
21. Nazarov, A. M. (2020). PSYCHOLOGICAL MECHANISM FOR IMPROVEMENT OF PSYCHOLOGICAL PROTECTION OF SPORTSMEN. Theoretical & Applied Science, (1), 435-438.
22. Назаров, А. М., & Агамуратов, С. И. (2022). Особенности психологической защиты личности в подростковом возрасте. Science and Education, 3(2), 654-660.
23. Ismatulloev, A. N., & Nazarov, A. M. (2022). The level of subjective control and its influence on the activity of the person. Science and Education, 3(2), 751-754.

24. Akmal, N. (2022). KINDS OF TEMPERAMENT OF HUMAN BEINGS. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(1), 321-324.

25. Axmadov, N., & Ostanov, S. (2021). РОЛЬ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ СТУДЕНТОВ В УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 3(3).

26. Останов, Ш. Ш. (2020). Арт-терапия воситалари орқали талаба-ёшлар креативлигини ривожлантириш. Психология. Илмий журнал.–Бухоро, (2), 175-184.

27. Назаров, А. М., & Останов, Ш. Ш. (2017). СОЦИАЛЬНЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ КАК СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА. NovaInfo. Ru, 1(58), 547-552.

28. Рустамов, Ш. Ш. (2022). Психологические особенности изучения математической компетентности практикующего психолога. Science and Education, 3(4), 1746-1752.

29. Рустамов, Ш. Ш. (2022). О формировании математической компетентности практический психологов. Science and Education, 3(2), 1359-1366.

30. Rustamov, S. (2021). ОСОБЕННОСТИ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРАКТИЧЕСКИЙ ПСИХОЛОГОВ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 8(8).

31. Назаров, А. М., & Рустамов, Ш. Ш. (2019). АНАЛИЗ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ДАННЫХ С ПОМОЩЬЮ ПРОГРАММЫ SPSS. ББК 71.0 И74 Редакционная коллегия Ответственный редактор, 187.

32. Dilafro'z, I. (2022). OILADA IJTIMOIIY-PSIXOLOGIK MUNOSABATLARNING SHAKLLANISHIDA ONA PSIXOLOGIYASINING O'RNI. TA'BLIM VA RIVOJLANISH TA'HLILI ONLINE ILMIIY JURNALI, 2(3), 182-185.